

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙҚУЛОВ ХУРШИД ХУРРАМОВИЧ

**ФОНД БОЗОРИ АКТИВЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy
(PhD) on Economical Sciences**

| | |
|---|----|
| Худойкулов Хуршид Хуррамович Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш | 3 |
| Худойкулов Хуршид Хуррамович Совершенствование механизма оценки активов на фондовом рынке | 25 |
| Худойкулов Хуршид Хуррамович Improvement of the mechanism of assets pricing of the stock market | 47 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 51 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙҚУЛОВ ХУРШИД ХУРРАМОВИЧ

**ФОНД БОЗОРИ АКТИВЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt291 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич**
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Тошмуродова Бувсара Эгамовна**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Пўлатов Дилшод Хакбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги 27.06.2017.І.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Ғафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

Н.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги. Глобаллашув жараёнлари тезлашиб бораётган ҳозирги даврда йирик инвестиция компаниялари ўз маблағларини ривожланган мамлакатларга нисбатан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига икки баробар кўпроқ йўналтирмоқда. Юқори суръатлар билан ривожланаётган мамлакатларда инвестиция оқимининг ўсишига қарамай, фонд бозорларини капиталлашуви, шаффофлик, ликвидлик, қимматли қоғозлар нархларининг ўзгарувчанлиги, транзакция харажатларининг юқорилиги каби омиллар активларни баҳолашнинг оптимал усулидан фойдаланиш жараёнини қийинлаштирмоқда. Дунё фонд бозорларидаги активларнинг кескин тебраниши ривожланаётган мамлакатлар фонд бозорларининг капиталлашув даражасининг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Хусусан, 2017 йил ҳолатига мазкур кўрсаткич Тайванда 16,8 фоизга, Таиландда 15,7, Жанубий Кореяда 25,1, Индонезияда 22,6, Туркияда 42,6, Польшада 21,1 фоизга ўсган¹. Бу эса, ўз навбатида, мазкур мамлакатлар фонд бозорларидаги активларни баҳолашнинг оптимал усулидан фойдаланиш зарурлигини намоён этади.

Ривожланаётган мамлакатларга инвестиция оқимларининг ўсиб бориши мазкур мамлакатлар фонд бозорларидаги активларни баҳолашнинг замонавий усулларини жорий этиш, фонд бозори активларига таъсир қилувчи макро ва микро даражадаги омиллар асосида активларнинг бозор бетасини (β) аниқлаш, қимматли қоғозлар портфелларини диверсификация қилишни, фонд бозоридаги рисксиз активлар ҳамда бозор rischi учун мукофотни (market risk premium) инobatга олган ҳолда активлардан кутилаётган даромадни ҳисоблаш ва активларни баҳолашга таъсир қилувчи омилларнинг таъсири даражаси бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ҳозирда Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда мамлакатда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг институционал асослари яратилди. Бироқ, мамлакатда молия бозорини ривожлантириш бўйича мустақил давлат органининг мавжуд эмаслиги, фонд бозори фаолиятининг самарали йўлга қўйилмаганлиги, хусусан, фонд бозори активларини баҳолаш механизмининг такомиллашмаганлиги сингари ҳолатлар мазкур соҳадаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида «фонд бозорини ривожлантириш, соҳада давлат бошқарувини тубдан ислоҳ қилиш ва давлат органларининг бир-бирини такрорловчи, ортиқча назорат

¹<http://www.world-exchanges.org/home/index.php/statistics/monthly-reports> маълумотлари.

функцияларини бекор қилиш ҳамда молия бозори учун ягона давлат органини ташкил этиш»² вазифаси алоҳида белгилаб берилди.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фонд бозори активларини баҳолашнинг илмий-назарий, услубий ва амалий муаммолари Г.Марковиц, Ж.Тобин, У.Шарп, Ж.Линтер, Я.Мосин, Ж.В.Дуглас, М.Е.Блум, Ф.Блэк, М.Женсен, М.Скоулз, Ж.Макбет, С.Басу, Р.Бенз, Д.Стантман, Б.Розенберг, Р.Мертон, С.Росс, Ж.Кэмпбелл, Э.Фама, К.Френч, Т.Ассефа, О.Эскида ва А.Моллик каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган³.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони. ПФ-5308-сон, 2018 йил 28 январь.

³Harry Markowitz (1952). «Portfolio Selection» The Journal of Finance, Vol. 7, No. 1. pp. 77-91; Tobin.J. (1958). Liquidity Preference as Behaviour Towards Risk. The Review of Economic Studies, Vol.25, No.2, pp.65-86; Sharpe, W. F. (1964). Capital asset prices: A theory of market equilibrium under conditions of risk. Journal of Finance, Vol.19, No.3, pp. 425-442; Lintner, J. (1965). The Valuation of risk assets and the selection of risky investments in stock portfolios and capital budgets. The Review of Economics and Statistics, Vol.47, No.1, pp.13-37 ;Mossin. J (1966). Equilibrium in a Capital Asset Market, Vol.34, No 4, pp.768-783; Douglas, G.W. (1969), «Risk in the Equity Markets: An Empirical Appraisal of Market Efficiency», Yale Economic Essays, Vol.9, No.1, pp 3-45; Blume, M.E., (1970). Portfolio theory: A step toward its practical application. Journal of Business, Vol. 43, No.1, pp. 152-173; Black, F., Jensen, M., and Scholes, M. (1972) The Capital Asset Pricing Model: Some empirical tests. Studies in the Theory of Capital Markets. Ed. New York: Praeger Publishers; Fama, E.F. and MacBeth, J.D. (1973) 'Risk, return and equilibrium: empirical tests', The Journal of Political Economy, Vol. 81, No.3, pp. 607-636; Basu, S. (1977). Investment Performance of Common Stocks in Relation to their Price-Earnings Ratios: A Test of the Efficient Market Hypothesis, Journal of Finance, Vol.32, No.1, pp. 663-682; Banz, R. W. (1981). The Relationship between Return and Market Value of . Common Stock, Journal of Financial Economics, Vol.9, No.1, pp. 3-18; Stattman, D. (1980) Book Values and Stock Returns, The Chicago MBA: A Journal of Selected papers, Vol. 4, No.1, pp.25-45; Rosenberg, B., Reid, K. and Lanstein, R. (1985) Persuasive evidence of market inefficiency, Journal of Portfolio Management, Vol. 11, No. 3, pp.9-17; Robert C. Merton (1973). An Intertemporal Capital Asset Pricing Model. Econometrica, Vol. 41, No. 5, pp. 867-887; Ross, Stephen A., (1976). «The arbitrage theory of capital asset pricing», Journal of Economic Theory Vol.13, No.3, pp. 341-360; Campbell, John Y. 1993. Intertemporal asset pricing without consumption data. American Economic Review 83(3): pp. 487-512; Fama, E., & French, K. (1993). «Common risk factors in the returns on stocks and bonds. Journal of Financial Economics», Vol.33, No.1, 3-56 ;Assefa. T.A, Esqueda.A.O, Mollick.A.V (2017). Stock returns and interest rates around the World: A panel data approach. Journal of Economics and Business, Vol.89, No.1, pp.20-35

Мазкур олимларнинг илмий тадқиқот ишларида фонд бозорларини ривожлантириш ҳамда улардаги активларни баҳолаш бўйича мавжуд муаммолар ёритилган. Хусусан, Г.Марковицнинг илмий изланишида замонавий портфель назариясига илк мартоба асос солинган, фонд бозоридаги активларни баҳолаш механизми билан боғлиқ илмий тавсиялар ишлаб чиқилган. У.Шарп эса фонд бозори активларини баҳолаш моделида активларга бозор индексининг таъсирини асослаб, уларни баҳолаш механизмини янада такомиллаштирган. Кейинчалик фонд бозори активларини баҳолаш назарияси юзасидан қатор иқтисодчи олимлар ўртасида турли мунозаралар вужудга келиб, уларни ҳал этишда Э.Фама ва К.Френч томонидан амалга оширилган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади. Улар ўзлари илгари сурган назарияда фонд бозори активларига бозор индексидан ташқари бошқа бир қатор омиллар ҳам таъсир қилишини исботлаб бердилар.

Фонд бозори активларини баҳолашнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ш.Ш.Шохаъзамий, Л.И.Бутиков, М.Б.Хамидулин, Н.Ғ.Каримов, Ш.И.Мустафакулов, Х.А.Қурбонов ва У.А.Бурхоновлар томонидан ҳам амалга оширилган⁴.

Чунончи, Ш.Ш. Шохаъзамий қимматли қоғозларнинг таҳлилини такомиллаштириш учун активларни баҳолаш моделлари назариясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб таъкидласа, Н.Ғ. Каримов ўзининг илмий изланишларида активларни баҳолаш назариясига тўхталиб, бугунги кунда амалиётда Г. Марковиц назариясига нисбатан У. Шарп назариясининг афзаллигини эътироф этади.

Х.А.Қурбоновнинг илмий изланишларида молиявий активларни баҳолаш моделининг компаниялар капитали умумий баҳосини белгилаш ва унинг доирасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари учун талаб қилинадиган даромад даражасини аниқлашда муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигини, У.А.Бурхонов эса, Ўзбекистон шароитида активларни баҳолашда мамлакатнинг кредит модели ҳамда тузатиш киритилган САРМ (Capital asset pricing model) моделидан фойдаланиш лозимлиги хусусидаги талқинни илгари сурган.

Юқорида қайд этиб ўтилган иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида фонд бозори активларини баҳолаш масалалари назарий жиҳатдан ёритиб берилган бўлса-да, бироқ мамлакатимиз фонд бозоридаги активларни турли хилдаги таъсир этувчи омилларни инобатга олган ҳолда

⁴ Шохаъзамий Ш.Ш. «Методологические основы и приоритеты стратегического развития рынка ценных бумаг в Узбекистане». Автореферат Т; 2011г, 1-42 с.; Шохаъзамий Ш.Ш. «Молия бозори ва қимматли қоғозлар» дарслик Т., ТФИ. 2012, бет-440.; Бутиков Л.И. «Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане» Автореферат Т.,-2008, 1-41 с.; Бутиков Л.И. Рынок ценных бумаг. Учебник. – Т.: Консаудитинформ, 2001-472 с.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. – Т.: Молия, 2008, – 204 с.; Каримов. Н.Ғ «Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари» Автореферат, Т,- 2007, 1-40-бет.; Ш.И. Мустафакулов «Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш» Автореферат, Т,- 2017, 1-30-бет.; Каримов Н.Ғ. ва Хожиматов Р.Х. «Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш» Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011, 771-787-бет.; Қурбонов Х.А. «Корпоративные финансы» Тошкент «Иқтисод-Молия» 2007, 184-бет.; Бурхонов У.А. «Investment valuation in emerging markets: opportunities & specific factors» «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 7, 2013 1-9-б.

баҳолаш бўйича етарлича ўрганилмаганлиги, шунингдек, рисксиз активларни ҳисобга олган ҳолда фонд бозоридаги активлардан кутилаётган даромадни аниқлаш бўйича комплекс илмий изланишлар олиб борилмаганлиги, мазкур тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган, 2013-2018 йилларга мўлжалланган «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон фонд бозоридаги активларни баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фонд бозори молиявий активлари ва уларни баҳолаш моделларининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

«Тошкент» фонд биржасида муомалада бўлган активларни баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш, мазкур активларни баҳолаш бўйича илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

Ўзбекистонда фонд бозори активларини баҳолашдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этиш;

Ўзбекистон фонд бозоридаги активларга таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлар асосида баҳолаш;

фонд бозори активларини баҳолашнинг истиқболли йўналишлари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти «Тошкент» Республика фонд биржасидаги активларни баҳолаш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети фонд бозори активларини баҳолаш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг вазифасини ҳал этишда илмий абстракциялаш, эмпирик, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, танлама кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фонд бозорида иштирок этадиган акциядорлик жамиятлари акцияларидан кутилаётган даромадни аниқлаш мақсадида бозорнинг тизимли рискини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

фонд бозоридаги акцияларнинг бозор баҳосини янада аниқроқ белгилашга имкон яратувчи ҳар бир акцияни биржа савдосида битта лот шаклида сотишнинг самарали усул эканлиги асосланган;

ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини биржадаги савдосининг амалдаги тартибига улар тўғрисидаги асосий маълумотлар ҳамда эмиссия қилиш параметрларини биржа орқали эълон қилиш тартибини киритиш орқали мазкур механизмни такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

фонд бозорида иштирок этадиган акциядорлик жамиятлари эмиссион харажатларининг сезиларли даражада қисқартирилишига таъсир кўрсатувчи корпоратив облигациялар эмиссиясининг соддалаштирилган тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

фонд бозоридаги тизимли риск бўлган бозор бетаси (β) коэффицентини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

фонд бозоридаги активлар баҳосининг шаклланишига таъсир қилувчи олди-сотди механизмини такомиллаштириш йўллари асосланган;

фонд бозорининг активларини баҳолаш жараёнининг моҳияти изоҳлаб берилган ҳамда фонд бозоридаги активлардан кутилаётган даромадга корпоратив облигация ва хазина мажбуриятларининг таъсири ёритиб берилган;

фонд бозоридаги тармоқлар кесимидаги активларнинг бозор баҳосига таъсир қилувчи омилларини баҳолаш асосида эконометрик таҳлили амалга оширилган ва омилларнинг таъсирчанлик даражаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етакчи иқтисодчи олимларнинг фонд бозорлари активларини баҳолаш бўйича илмий-назарий фикрларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, фонд бозори активларини баҳолаш эксперт натижалари ҳамда миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларига асосланганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Тошкент» Республика фонд биржасининг статистик маълумотларига асосланиб жараёни таҳлил қилиш орқали хулосалар қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда молия бозорини яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясида фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти молия бозорини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда молия бозорини ривожлантиришда фойдаланиш, шунингдек, фонд бозорига маҳаллий ҳамда хорижий инвесторларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш мақсадида қабул қилинадиган қонун ва қонун ости ҳужжатлари, мамлакат Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий, амалий ва услубий таклиф ҳамда тавсиялар амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Булар натижаси асосида:

фонд бозори активларини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш мақсадида хазина мажбуриятларини эмиссия қилиш тартибини

такомиллаштириш ва капитални жалб қилишнинг муқобил манбаи сифатида эътиборга олиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1327-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада бўлиши ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 14 декабрдаги ЁТ/20-03-31-12-82/2241-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши, ўз навбатида, фонд бозоридаги активлардан кутилаётган даромадни аниқлаш имкониятини янада оширишга хизмат қилган;

фонд бозоридаги нисбатан рисксиз активлар ҳисобланган корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш талабларини соддалаштириш бўйича таклифлар «Ўрта ва узоқ муддатли молия бозорини ривожлантириш концепцияси»да фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2017 йил 17 мартдаги 654/02-29 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши фонд бозоридаги рисксиз активларнинг ривожланишини таъминлашга ҳамда фонд бозоридаги активларни баҳолаш механизмининг такомиллаштиришига олиб келди;

фонд бозори активларини баҳолаш мақсадида ҳар бир акциянинг олди-сотдисини битта лот шаклида амалга ошириш бўйича тақдим этган таклифи «Тошкент» Республика фонд биржасининг амалиётида жорий этилган («Тошкент» Республика фонд биржасининг 2018 йил 12 апрелдаги 01/08-07-482-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида фонд бозоридаги активларнинг бозор баҳосини аниқлашга ёрдам бериши натижасида фонд бозоридаги қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича биржа битимларининг 10 фоизга ошиши таъминланган;

фонд бозорида иштирок этадиган акциядорлик жамиятлари акцияларидан кутилаётган даромадни аниқлаш мақсадида бозорнинг тизимли рискини ҳисоблаш усули бўйича ишлаб чиққан таклифи «Тошкент» Республика фонд биржасининг амалиётида жорий этилган («Тошкент» Республика фонд биржасининг 2018 йил 12 апрелдаги 01/08-07-482-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий-амалий янгиликнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида фонд бозоридаги акциядорлик жамиятлари акцияларини баҳолаш усули такомиллаштирилган ва фонд бозоридаги ликвидли активларни аниқлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан, 2 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза шаклида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда 5 та илмий мақола, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фонд бозори активларини баҳолашнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида фонд бозори активларини баҳолаш бўйича илмий-назарий қарашлар эволюцияси, фонд бозори активларини баҳолаш моделларига илмий-назарий ёндашувлар ва уларнинг қиёсий таҳлили, Ўзбекистонда фонд бозори активларини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари илмий-назарий ва услубий жиҳатдан ёритиб берилган.

Жадал суръатларда ривожланаётган мамлакатлар фонд бозорларидаги активларни баҳолашда замонавий усуллардан фойдаланилаётгани, фонд бозоридаги активлардан кутилаётган даромад, фонд бозор rischi, қимматли қоғозлар rischi ва улардан кутилаётган даромад ўртасидаги боғлиқлик, портфелни диверсификация қилиш, фонд бозори активларидан кутилаётган даромадга таъсир қилувчи ташқи ва ички омиллар муаллиф томонидан асослаб берилган (1-расм).



1-расм. Фонд бозори активларини баҳолашга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар⁵

Мазкур жиҳатларни инобатга олган ҳолда хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг фонд бозори активларини баҳолаш борасидаги илмий изланишларини ўрганиш асосида фонд бозори активларини баҳолашга нисбатан муаллиф таърифи шакллантирилган. Унга кўра, фонд бозори активларини баҳолаш бу – фонд бозоридаги активларга бевосита таъсир

⁵Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

этувчи ички ва ташқи омиллар орқали активлардан кутилаётган даромад меъёрини эмпирик, корреляцион ва регрессион усуллар асосида аниқлашдан иборат. Фонд бозори активларини баҳолаш назариясига асосан қимматли қоғозлардан кутилаётган даромад ва риск ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан фонд бозори активларини баҳолашнинг бир нечта моделлари яратилган бўлиб, мазкур тадқиқот ишида муаллиф томонидан нисбатан муҳим ҳисобланган ва кўпроқ қўлланилаётган фонд бозори активларини баҳолашнинг муқобил моделлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган (1-жадвал). Бироқ шу ўринда таъкидлаш лозимки, кўпчилик мамлакатларда фонд бозорлари активларини баҳолаш, қимматли қоғозлар портфелини танлаш ҳамда бозор рискин аниқлашда CAPM моделидан фойдаланиш кенг тарқалган ҳисобланади.

1-жадвал

Фонд бозори активларини баҳолашнинг муқобил моделлари⁶

| |
|--|
| 1. Ноль-бета (β) молиявий активларни баҳолаш модели (zero-beta Capital Asset Pricing Model) |
| $ER_i = ER_z + \beta_i(ER_m - ER_z)$ |
| 2. Молиявий активларни баҳолашнинг ички вақтлараро модели (Intertemporal Capital Asset Pricing Model) |
| $E(r_i) - r_f = \beta_{im}[E(r_m) - r_f] + \sum_{s=1}^S \beta_{is}[E(r_s) - r_f]$ |
| 3. Арбитраж баҳолаш модели (Arbitrage Pricing Model) |
| $E(r_i) - r_f = \beta_1(r_{factor1} - r_f) + \dots + \beta_n(r_{factor n} - r_f)$ |
| 4. Молиявий активларни баҳолашнинг истеъмолга асосланган модели (Consumption-based capital asset pricing model) |
| $ER_i = r_f + \beta_{ic}(ER_m - r_f)$ |
| 5. Уч омилли молиявий активларни баҳолашнинг Фама-Френч модели (Fama and French three factor Model) |
| $E(R_i) - R_f = \beta_{im}E(R_m - R_f) + \beta_{iSMH}E(SMH) + \beta_{iHML}E(HLM)$ |

Ўзбекистонда бугунги кунда фонд бозори активларини баҳолашнинг чегирмали пул оқимлари, яъни дисконтлаш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Бироқ акциядорлик жамиятлари капитали қийматини баҳолашда пул оқимларининг кумулятив усулидан фойдаланиш кенг тарқалган. Ривожланаётган мамлакатлар фонд бозорларида капитал қийматини аниқлаш давлат қимматли қоғозлари ставкасини рисксиз актив даражасига тенглаштирган ҳолда баҳоланади. Ўзбекистонда эса мазкур баҳолаш кумулятив тузиш усулида Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасини рисксиз актив даражасига тенглаштирган ҳолда амалга оширилади. Фикримизча, мазкур ҳолат мамлакатимиз миллий фонд бозорида давлат қимматли қоғозлари ва корпоратив облигациялари бозорининг ривожланмаганлиги орқали изоҳланади.

⁶Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Шунга кўра, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларининг фонд бозоридаги активларини баҳолашда капитал баҳолаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу усулда рисксиз активлар даражаси сифатида давлат қимматли қоғозларининг даромад даражаси ва корпоратив облигацияларнинг фоиз даражасини инобатга олиш фонд бозоридаги активларни тўғри баҳолаш имкониятини яратди.

Диссертациянинг «Фонд бозори активларини баҳолашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон фонд бозоридаги активларни баҳолаш амалиёти, ривожланган мамлакатларда фонд бозори активларини баҳолаш моделининг таҳлили ёритиб берилган, шунингдек, фонд бозоридаги активларни баҳолашда илғор хориж тажрибаларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари изоҳлаб берилган.

Диссертация ишида амалга оширилган илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда 2-жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкинки, фонд бозори айланмаси ҳажми таркибида банк соҳасининг акциялари савдоси муҳим ўринни эгаллайди. Жумладан, 2012 йилда банкларнинг салмоғи 67,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 86,6 фоизга етгани ҳолда етакчи ўринга эга. Таҳлил қилинган даврда агросаноат соҳасининг улуши ўртача 6-7 фоиз атрофида барқарор қолгани ва 2017 йида эса 8 фоизни ташкил этганини кузатиш мумкин. Ўз навбатида, лизинг, суғурта ва қурилиш соҳасининг улуши сезиларли даражада камайгани яққол кўринади. Шунингдек, ушбу даврда бошқа соҳаларнинг акциялари айланмаси салмоғи 2012 йилдаги 14,8 фоиздан сезиларли даражада, яъни 3,5 фоизгача пасайиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

«Тошкент» Республика фонд биржаси умумий айланмасида турли соҳалар акциялари айланмаси салмоғи⁷

| Кўрсаткичлар | 2012 й. | | 2013 й. | | 2014 й. | | 2015 й. | | 2016 й. | | 2017 й. | |
|--------------|--------------|--------------|-------------|--------------|-------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
| | млрд. сўм | Фоизда | млрд. сўм | фоизда | млрд. сўм | фоизда | млрд. сўм | фоизда | млрд. сўм | фоизда | млрд. сўм | фоизда |
| Банк | 74,7 | 67,5 | 37,6 | 65,8 | 77,3 | 86,6 | 133,8 | 91,1 | 151,8 | 51,3 | 254,6 | 86,1 |
| Саноат | 3,2 | 2,9 | 3,9 | 6,8 | 1,5 | 1,7 | 0,5 | 0,3 | 73,7 | 24,9 | 0,8 | 0,3 |
| Агросаноат | 7,1 | 6,4 | 3,4 | 6,0 | 2,6 | 2,9 | 5,4 | 3,7 | 14,9 | 5,0 | 23,7 | 8,0 |
| Лизинг | 3,7 | 3,3 | 3,7 | 6,5 | 0,2 | 0,2 | 0,1 | 0,1 | 0,4 | 0,1 | 3,0 | 1,0 |
| Суғурта | 3,6 | 3,3 | 2,9 | 5,1 | 2,4 | 2,7 | 0,9 | 0,6 | 2,6 | 0,9 | 1,5 | 0,5 |
| Қурилиш | 3,5 | 3,2 | 2,2 | 3,9 | 2,0 | 2,2 | 3,1 | 2,1 | 3,5 | 1,2 | 1,6 | 0,5 |
| Бошқалар | 14,8 | 13,4 | 3,4 | 6,0 | 3,30 | 3,7 | 3,1 | 2,1 | 48,9 | 16,5 | 10,4 | 3,5 |
| Жами | 110,6 | 100,0 | 57,1 | 100,0 | 89,3 | 100,0 | 146,9 | 100,0 | 295,8 | 100,0 | 295,6 | 100,0 |

⁷ «Тошкент» Республика фонд биржаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Тадқиқот натижасида «Тошкент» Республика фонд бозорида фаол бўлган бешта акциядорлик жамияти акцияларининг бозор бетаси (β) коэффиценти аниқланди. Унга кўра, бозор бетаси (β) коэффиценти қуйдагича ифодаланади:

$$\beta = \frac{COV(r_i r_m)}{\sigma_m^2}, \quad (1)$$

бу ерда:

β - бета коэффиценти;

r_i - акциянинг даромади;

r_m - бозор даромади;

σ_m^2 - бозор даромадининг дисперсияси.

Юқоридаги формуладан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз фонд бозорида фаол бўлган бешта акциядорлик жамияти акцияларининг бозордаги тизимли рисқи аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

«Тошкент» РФБда фаол бўлган акциядорлик жамиятларининг бозор бетаси (β) коэффиценти (2017 йил ҳолатига)⁸

| Акциядорлик жамияти | Бозор бетаси (β) коэффиценти |
|----------------------------|--------------------------------------|
| «Ўзсаноатқурилиш банк» АТБ | 0,136 |
| «Ўзметкомбинат» АЖ | 1,209 |
| «Оҳангаронцемент» АЖ | 0,867 |
| «Қизилқумцемент» АЖ | 0,118 |
| «Алском» АЖ | 0,181 |

3-жадвалдаги маълумотларига кўра, «Ўзсаноатқурилиш банк» АТБ акциялари даромадининг ошиши бозор индексининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, акциянинг бозор рисқи даражаси жуда паст ҳисобланади. Бета коэффицентини аниқлаш қонуниятига кўра, бета (β) коэффиценти $0 < \beta < 1$ бўлса, акциянинг баҳоси билан бозор индекси ўртасида боғлиқлик мавжуд, аммо акциянинг фонд бозоридаги риск даражаси паст ҳисобланади. Хусусан, «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти акцияларининг бозор рисқи юқори, яъни унинг бозор бетаси (β) коэффиценти 1,209 бандни ташкил этганлигини кузатиш мумкин. Чунки, бозор бетаси (β) коэффиценти акциянинг риск даражаси бозор рискидан икки марта катта эканлигини кўрсатади. Тадқиқотда «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамияти акцияларининг фонд бозоридаги рисқи юқори эканлигини кузатиш мумкин. Чунки унинг бозор бетаси (β) коэффиценти 0,867 ни ташкил этган бўлса, акциянинг фонд бозоридаги рисқи юқори эканлигидан далолат беради. «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятининг акциялари рисқи фонд бозорида жуда паст эканлигини кузатиш мумкин, чунки унинг акциялари бетаси (β) 0,118 ни ташкил этади. «Алском» акциядорлик жамиятининг акциялари эса,

⁸ «Тошкент» Республика фонд биржаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

рисклилик даражаси паст, чунки акцияларининг бозор бетаса (β) 0,181 ни ташкил этган. Тадқиқотда аниқланган акцияларнинг ижобий бозор бетасини (β) билган ҳолда мазкур акциялардан кутилаётган даромадни молиявий активларни баҳолаш модели орқали ҳисоблаймиз. Акциядан кутилаётган даромад формуласини қуйидагича ифодалаймиз:

$$\text{АКД} = R_{\phi} + \beta(\text{Бд} - R_{\phi}), \quad (2)$$

Бу ерда:
 АКД - акциядан кутилаётган даромад;
 R_{ϕ} - рисксиз активларнинг даромадлилик даражаси;
 β - бета коэффициенти;
 Бд - бозорнинг умумий даромадлилик даражаси (даромадлиликнинг бозордаги ўртача меъёри).

Бозор бетаси (β) коэффициентиға эга акциядорлик жамиятларининг акцияларидан кутилаётган даромаднинг ҳисобланишини қуйидаги жадвалда кузатиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

«Тошкент» РФБ акциядорлик жамиятларининг акцияларидан кутилаётган даромад (2017 йил ҳолатига)⁹

| Кўрсаткичлар | «Ўзсаноатқурилиш банк» АТБ | «Ўзметкомбинат» АЖ | «Оҳангаронцемент» АЖ | «Қизилқумцемент» АЖ | «Алском» АЖ |
|---|----------------------------|--------------------|----------------------|---------------------|-------------|
| Қайта молиялаштириш ставкаси бўйича рисксиз активлар даражаси | 14 | 14 | 14 | 14 | 14 |
| Давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари даромадлиги фоиз ставкаси бўйича рисксиз активлар даражаси | 3,4 | 3,4 | 3,4 | 3,4 | 3,4 |
| Корпоратив облигациялар даромадлиги фоиз ставкаси бўйича рисксиз активлар даражаси | 9 | 9 | 9 | 9 | 9 |
| Бета (β) коэффициенти | 0,136 | 1,206 | 0,867 | 0,118 | 0,181 |
| Бозорнинг умумий даромадлилик даражаси | 0,01 | 0,01 | 0,01 | 0,01 | 0,01 |
| Акциядан кутилаётган даромад (қайта молиялаштириш ставкаси билан) | 13,98 | 12,56 | 13,26 | 13,99 | 13,97 |
| Акциядан кутилаётган даромад (Давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари билан) | 3,38 | 1,96 | 2,66 | 3,39 | 3,37 |
| Акциядан кутилаётган даромад (корпоратив облигациялар билан) | 8,98 | 7,56 | 8,26 | 8,99 | 8,97 |

⁹ «Тошкент» Республика фонд биржаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

«Тошкент» РФБ бозор индексининг 2012 йилдан 2017 йилга бўлган даврдаги кунлик тебранишининг ўртача тортилганлиги бозорнинг умумий даромадлилик даражасини кўрсатади. Давлатнинг ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари ҳамда давлат облигациялари рисксиз активлар ҳисобланади. Лекин Ўзбекистонда кейинги йилларда давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари эмиссия қилинмаганлиги сабабли корпоратив облигация ва қайта молиялаштириш ставкасидан рисксиз актив сифатида фойдаланилди. 4-жадвалдаги таҳлиллар кўрсатадики, рисксиз даражаси сифатида қайта молиялаштириш ставкаси олинганида «Ўзсаноатқурилиш банк» АТБ акцияларидан кутилаётган даромад кейинги олти йил (2012-2017 йиллар) давомида 13,98 фоизни, «Ўзметкомбинат» АЖ акцияларидан кутилаётган даромад 12,56, «Оҳангоронцемент» АЖ акцияларидан кутилаётган даромад 13,26, «Қизилқумцемент» АЖ акцияларидан кутилаётган даромад 13,99, «Алском» АЖ акцияларидан кутилаётган даромад 13,97 фоизни ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларда акциялардан кутилаётган даромадни ҳисоблашда рисксиз активлар сифатида давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари ва корпоратив облигациялар олинади. Тадқиқотда давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини 2012 йилдаги 3,4 фоиз даромад кўрсаткичини инобатга олиб, акциялардан кутилаётган даромадни ҳисобласак, «Ўзсаноатқурилиш банк» АТБнинг акцияларидан кутилаётган даромад 3,38 фоизни, «Ўзметкомбинат» АЖда 1,96, «Оҳангоронцемент» АЖда 2,66, «Қизилқумцемент» АЖда 3,39, «Алском» АЖда 3,37 фоиз даромад кутилаётганини кузатиш мумкин. Рисксиз активларнинг даражасига корпоратив облигацияларнинг йиллик 9 фоиз даромадини қўллаган ҳолда акциялардан кутилаётган даромад ҳисобланганда, «Ўзсаноатқурилиш банк» АТБнинг акцияларидан 8,98 фоиз, «Ўзметкомбинат» АЖ акцияларидан 7,56, «Оҳангоронцемент» АЖ акцияларидан 8,26, «Қизилқумцемент» АЖ акцияларидан 8,99 ва «Алском» АЖ акцияларидан 8,97 фоиз даражасида даромад кутилаётганлигини кузатиш мумкин.

Таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиз фонд бозорида рисксиз активлар, яъни давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари ва корпоратив облигациялар ривожланмаган. Чунки фонд бозори активлари рисксиз активларни инобатга олган ҳолда баҳоланади. Бугунги кунда, айнан, хазина мажбуриятлари ва давлат облигацияларининг фонд бозоридаги иштироки фаол эмаслиги улар активларини баҳолашда тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун фикримизча, рисксиз активларни муомалага чиқаришни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида фонд бозори активларини баҳолашдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, Ўзбекистонда фонд бозори активларини эконометрик моделлар орқали баҳолаш, шунингдек, унинг истиқболли йўналишлари баён этилган.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори ўзининг ривожланиш босқичида бўлиб, шу боисдан мазкур бозордаги активлар акцияларини баҳолашда айрим муаммолар мавжудлигини кузатиш мумкин. Бизнингча, «Тошкент» Республика фонд биржасидаги активларни баҳолашдаги асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

рисксиз активлар ҳисобланган корпоратив облигациялар ва давлат қимматли қоғозлари бозорининг ривожланмаганлиги;

биржа листингига кирган акциядорлик жамиятлари ҳар бир акциясининг битта лот¹⁰ шаклида сотилмаслиги;

фонд биржаси даромадлиги пастлиги;

биржанинг махсус қоидаларида акциядорлик жамиятларининг акциялари сотилиши бўйича листинг ва сотиш шартларининг қатъий белгилаб қўйилиши кўринишидаги ҳаддан зиёд юқори талаблар мавжудлиги;

фонд биржасидаги акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини аниқлашда фақат дисконтлаш кумулятив усулидан фойдаланилиши;

фонд биржасида акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор баҳосига таъсир этувчи махсус (book-to-market ratio, price-to-book ratio, price-earnings ratio) коэффицентлар ҳисобланмаслиги.

Ўзбекистонда фонд бозори активларини баҳолашда корпоратив облигациялар бозорининг ривожланмаганлигини кузатишимиз мумкин. 2012 йилда корпоратив облигациялар бозори фонд бозори айланмасининг 35,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб, мазкур кўрсаткич кескин пасайиб, атиги 1,1 фоизни ташкил этган¹¹. Таҳлил даври давомида Ўзсаноатқурилиш банк, Капитал банк, Микрокредит банк, Агро банк, Асака банк, Ипотека банк, Ипак йўли банки ва Траст банк корпоратив облигациялар бозорида фаол эмитентлар ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, фонд биржасида асосий эмитентлар банклар бўлиб, бошқа акциядорлик жамиятлари эса, мазкур давр мобайнида деярли бирорта ҳам корпоратив облигацияларни муомалага чиқармаган. Чунки корпоратив облигацияни муомалага чиқаришга бу борадаги мавжуд талаблар қийинчилик туғдирмоқда. Тадқиқотда Хитой, Тайвань, Россия ва Беларусь мамлакатларида корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш тартиби ўрганилиб, илғор хориж тажрибасини Ўзбекистонга қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, акциядорлик жамиятларига корпоратив облигацияларни муомалага чиқаришда қуйидаги ҳолатларнинг инobatга олиниши мақсадга мувофиқ:

ўтган молиявий йил учун аудиторлик ташкилотининг ижобий хулосасига эга акциядорлик жамиятлари корпоратив облигацияларининг муомалага чиқарилиши;

акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш учун кейинги уч йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлилик кўрсаткичларининг

¹⁰ Лот – бу фонд бозоридаги акциялар олди-сотдисининг шартли бирлиги.

¹¹ <https://www.uzse.uz/analytics> сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган.

ижобий эканлигини аудиторлик ташкилоти хулосаси билан тасдиқлаш талабининг бекор қилиниши;

акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш учун мустақил рейтинг баҳолаш хизматидан фойдаланиш бўйича амалдаги талабнинг бекор қилиниши.

